

ЛЕНИНИЗМ—МИЛЛИОНЛАР БАЙРОҒИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 яил чиқиши
№ 90 (13.352).
22 АПРЕЛЬ
1966 яил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

БАШАРИЯТ ҚУЕШИ

Владимир Ильич Ленин! Совет халқи, жаҳондаги барча меҳнатчилар учун энг муқтаб ва азиз ном. Узининг порлоқ генийси, тенгсиз ақл-идроки, буюк жасорати билан ижтимоий тараққиётни бутунлай янги изга буриб юборган Владимир Ильич Ленин бутун тўғсон олти ёшга тўлди. Улуғ Октябрь революцияси голибона жаранининг қудратли тўқиниға бошчилиқ қилган доҳиймиз ва устозимиз дунёга келган кунни улкан байрам сифатида нишонлаймиз. Бу муқорак кун, айнасида бу яил аюйиб кунларда нишонланмоқда. Коммунизм қурилишининг улғувор замидаларини белгилаб берган партияимизнинг XXIII съезди Ленин голларининг бутун кучини, танимасини, яна бир марта намоён қилди.

Узининг бутун ҳаётини, ота-онани эхтиросини фақат халқ манфаатига фидокорона хизмат қилишга бахш этган В. И. Ленин нимаини уйлаган бўлса, нимаини орзу қилган бўлса ҳаммаси рўйга чиқди, рўйга чиқилди. Генал мураббиймиз дунёда биринчи социалистик давлат пойдеворига дастлабки гиштин қуйганда Советлар дийрининг бугунги қудрати тўғрисида аниқ баҳорат берди. Ченсиз ва гузал мамлакатимизнинг ҳамма ерига фикран назар ташласан, доҳийнинг маслаҳати, кўрсатмасини бандонидил амалга ошираётган заковатли халқимиз тарих билмас буюк зафарларни қўлга киритганини кўраемиз. Коммунистик қурилишнинг бутун жаҳондаги — сон-саносиз гигант қурилишлар, улкан саноат корхоналари, қудратли илм-хўз ва совхоз хўжалиқларида, маърифат даргоҳларида, хуллас ҳамма-ҳамма ерда ишбошимиз Ленин. КПСС XXIII съездининг бутун ишларида гўё Ленин бирга бўлгандек, уз фикри, мулоҳазалари билан қатнашгандек бўлди. Чунки коммунистларнинг бу улкан анжумани Ленин руҳи, гоиси билан ўтди.

Ленин барча халқларнинг халоскори, дўсти, меҳрибон отаси. Жаҳоннинг бирор бурчагида Ленинни билмаган, унинг улмас идеяларидан илҳомланмаган меҳнат ахли йўқ. Унинг буюк голлари инсониятга йўлчи юлдуз сингари янги ҳаёт йўлини кўрсатиб турибди. Жаҳон социалистик системаси мамлакатларидаги халқлар, бутун прогрессив инсоният башариатнинг абадий баҳарат қуеши Лениндан ҳаммаша миннатдор. Ленин демек янги ҳаёт демек, Ленин демек дустлик, биродарлик демек. Лениннинг номи бахт-саодат, тинчлик, ва ижодий меҳнат символдир.

Ленин Шарқ халқларининг буюк дўсти. Ленин зиёси ўтишда чоризмининг қаровсиз, ченка ери бўлган Ўзбекистонимизни Совет Шарқининг машъағига айлантирди. Агар биз республикамизнинг ўтишига назар ташласан, улканмиз хароб, очлиқ ва жаҳолат хуки сурадди. Лениннинг Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббати улкан эди. У бу ерининг юксак маданиятли, халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари тараққий этган улга бўлишини ҳавас қилди. Ёш Советлар республикаси ҳар жиҳатдан, айнасида иқтисодий томондан ҳали огир аҳволда турган бир вазиятда Ленин Мирзачўлни ўзлаштиришга маблаг ажратди, Тошкентда университет ташкил этиш тўғрисидаги декретларга имзо чекди. Партия ва давлат ишларида ниҳоятда банд бўлишига қарамай, Ўзбекистонли вакиллар, жумладан, ўзбек аёллари билан учрашишга вақт топди. Бу мисоллар Ленин Совет Шарқи халқларининг истиқболи тўғрисида қанчалик қайғурганлигининг далолатидир.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонимиз шунчалар қудратли, шунчалар гузал бир улканга айландики, бутун дунёнинг ҳаваси мелади. Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми кенинги тўрт йил ичида 40 процент кўпайди. Бутун мамлакат билан бирга Ўзбекистон улғу Лениннинг ёпасига электрлаштириш тўғрисидаги идеяларини амалга ошириш учун курашининг ҳал қилувчи палласига қадам қўйди. Республика электр станцияларининг қуввати тўрт йилда 1 миллион 266 минг киловатт кўпайди. Ёқилги, рангли металлургия, геология, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, транспорт ва алоқа, капитал қурилиш тез суръатлар билан ривож топмоқда.

Замонавий техника билан таъминланган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларимиз ҳам мағтаса арзигулик. Мамлакат қишлоқ хўжалиги ривожланишининг кенг программасини амалга оширишда салмоқли ўрин эгалловчи республикамиз Совет Иттифоқида етиштирилаётган пахтанинг қарийб 70 процентини, канопнинг 91 процентини, пилланинг 51 процентдан кўпрогини, қоракўннинг қарийб 35 процентини бермоқда. КПСС XXIII съезди қабул қилган беш йиллик план директиваларида республикамиз экономикаси ва маданиятининг яна ҳам ривожланиш истиқболлари белгиланган. Бу план — ленинча миллий сийасатнинг ифодаси, олга томон инсонлигимиз режасидир.

Ленин партиясининг XXIII съезди партиямиз ва мамлакатимиз ҳаётида, умуман халқларо коммунистик ҳаракат тарихида жуда улкан воқеа бўлди. Ленинча иш услубининг ёркин намунаси бўлган бу съезд партия сиёсий, иқтисодий, идеологик ҳамда ташкилотчилик фаолиятининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқди, халқимизнинг қаҳрамонона меҳнатига яқин эсоди, партиянинг яқин йилларда мўлжалланган сиёсий йўлини коллектив бўлиб ишлаб чиқди.

Партияимизнинг революцион руҳи, сиёсий етулгинини янги куч билан намоён этган КПСС XXIII съезди партия ва халққа коммунистик қурилиш сари янада илдамлик билан олга боришининг кенг истиқболларини белгиллаб берди. Халқимиз томонидан голтада қизиган маънўлланган янги беш йиллик план коммунизмнинг моддий-техника базисини буюмдага келтириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мадфодаа қудратини янада муштаҳамлаш учун курашда муҳим босқичдир. Ўзбекистон меҳнатнашлари беш йиллик режаларини амалга ошириш учун курашини қизитиб юборди.

Башариатнинг абадий сўмас қуеши Ленин туғилган энг муқорак кунни зур хурсандчилик билан тантанали байрам қилар эканмиз, Лениндан, шонли Ленин партиясидан ҳаммаша мамун ва миннатдор эканлигимизни қайта-қайта изҳор этаемиз.

ЛЕНИН ОВОЗИ

Кишилиқ ақлининг етук раҳбари Ленин партияси барқарор бўлсин. Ленин қадамжоси Советлар ери Ҳамиша қудратда пайдор бўлсин.

Олам мазмуни-ла улғу анжуман Коммунизм асрини тузди режасин. Бу режа нуридан болжиган Батан Шафқатдай ёритай олам кечасин.

Совет кишининг онги, идроки Ойнинг теграсига ой жааб берди. Юлдузга наравонлар қўймоққа токи Бир зина бўлажак моҳитоб энди.

Шонли съезд кунин йироқ космосдан Қудратли бир овоз янгради.

Ер ўзи тинглади нафас олмасдан, Коинот овози коинотдай зўр.

Ғойибдан келгучи бу товуш, билсанг, На Тангри, на Исо нидоси эди. Интернационал бу, интернационал! Кўкдан коммунистлар садоси эди.

Тўрт миллиард нуфусли бизнинг еримиз Маркс — Ленин сўзини эшитди.

Моркс — Ленин сўзини эшитди. Шундай мукамалдир ақлу финқимиз, Ҳатто космос куйлар Интернационал.

Бутун халқлараро туз билан сувнинг Бир хилда саналур шифо, мазаси. Озодлик аталган шонли оруздир Халқлар қалбидиғи умид тозаси.

Бу жаҳон уфқида янграб туради Озодлик ундови Ленин овозин. Тирик бўлган инсон мултоқ кўради Ленинча хўрликнинг жаҳон парвозин.

СУРИЯ БОШ МИНИСТРИ ХУЗУРИДА ЗИЁФАТ

Сурия Араб Республикасининг Бош министри Юсуф Зуайн 20 апрелда қабул маросимлари уйда зиёфат берди. Зиёфатда А. Н. Косигин, Б. Т. Мазуров, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, М. Т. Ефремов, В. А. Кирязин, В. Н. Новиков, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Зиёфатда ҳукумат делегациясининг аъзолари, шунингдек Москвадаги Сурия элчихонасининг дипломатия ходимлари ҳозир бўлдилар.

Сурия Араб Республикасининг Бош министри Юсуф Зуайн билан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нуфўз сўзлашдилар. Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди (ТАСС).

Юсуф Зуайн Н. В. Подгорний хузурида бўлди

Сурия Араб Республикасининг Бош министри Юсуф Зуайн 20 апрелда Кремлга келиб, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний хузурида бўлди.

Н. В. Подгорний билан Юсуф Зуайн ўртасида бўлган суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ҚУТЛОВ

Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дустлик, ҳамкорлик ва узаро ердан тўғрисидаги Шартоманинг 21 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар Польша Халқ Республикасининг партия ва ҳукумат раҳбарларига табрик телеграммаси қўлладилар.

Ғошизмга қарши шиддатли кураш йилларида туғилган, 1965 йилда ишга олинган Совет-Польша Шартомаси, дейилади телеграммда, эзу мақсад — коммунизм сари бир саф бўлиб бораётган иккала қардош халқнинг улғу ижодий ишларида ўзининг ёркин ифодасини топмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва бутун совет халқи КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга оширабориб, соца-

лизм мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партиялар ҳамда халқлар билан қардошлиқ алоқаларини марксизм-ленинизм принциплари асосида бундан буюн ҳам ривожлантирадилар.

Совет раҳбарлари Польша Халқ Республикасининг барча меҳнаткашларига катта бахт ва социалистик Польшани қуришда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ УЛЬЯНОВСК ОБЛАСТИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари учун Ульяновск области Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1966 йил 20 апрель.

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

Саноатда 1966 йил 1 кварталда давлат планининг бажарилиш яқунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Саноат ҳодимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съездининг мунособи кўтиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қўлдоқлиб, янги беш йилликнинг биринчи йили 1 кварталда планини ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми юзасидан са саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини чиқариш юзасидан муддатидан олдин, съезд очилган кунда бажардилар.

1966 йилнинг 1 кварталда ўтган йилнинг 1 кварталидиғи нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,9 процент кўпайди. Саноат айрим тармоқларининг маҳсулоти қуйидагича кўпайди:

Электр энергия ва иссиқлик энергияси	10	процент
Ёқилги саноати	6	>
Қора ва рангли металлургия	9	>
Химия саноати	12	>
Машинасозлик ва металл ишлаш	11	>
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	3	>
Бинокорлик материаллари саноати	9	>
Енгил саноат	7	>
Озиқ-овқат саноати	6	>
Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш	15	>
Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бў...		

(Давоми тўртинчи бетда).

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДАГИ ЭНГ КАТТА ИШЛАР УЧУН ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН
МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

Фан соҳасидаги энг катта ишлар учун қўйилганларга 1966 йилги Ленин мукофотлари берилсин:

1. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академияси назарий физика институтининг бўлим mudiri Алексей Алексеевич Абрикосова, физика-математика фанлари доктори, шу институтнинг сектор mudiri Лев Петрович Горьковга, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номи физика институтининг сектор mudiri Виталий Лазаревич Гинзбургга — ўтаўқазувчан ютишмалар ва кучли магнит майдонларидаги ўтаўқазувчиларнинг хосалари назариясини ишлаб чиққанлик учун.

2. Старший илмий ходимлар — Украина ССР Фанлар академиясининг академиги Александр Сергеевич Давидовга, Украина ССР Фанлар академиясининг академи-

ги, Украина ССР Фанлар академиясининг физика институти бўлимининг mudiri Антонина Федоровна Приходькога, физика-математика фанлари доктори Владимир Львович Броудега, физика-математика фанлари доктори Андрей Федорович Лубченкога, шу институтнинг ходимлари — физика-математика фанлари доктори, лаборатория mudiri Михаил Семенович Бродинга, физика-математика фанлари доктори, Украина ССР Фанлар академияси чалаўтказувчилар институти бўлимининг mudiri Эммануил Иосифович Рашбегга, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академияси А. Ф. Иоффе номи физика-техника институтининг лабораториясининг mudiri Евгений Федорович Гроссга, шу институтнинг старший илмий ходимлари — фи-

зика-математика фанлари нандидатлари Борис Петрович Захарченкога, Александр Александрович Капланскийга — кристаллардаги экситонларин назарий ва экспериментал тадқиқ қилганлик учун.

3. Физика-математика фанлари доктори, М. В. Ломоносов номи Москва давлат университетининг профессори Николай Владимирович Ефимовга — манфий қийинчилик юзасидаги ҳусуниятларнинг пайдо бўлишини тадқиқ қилганлик учун.


4. Физика-математика фанлари кандидати, СССР Фанлар академиясининг бўлим математика институтининг бўлим mudiri Юрий Иванович Журалевга, физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси математика институтининг старший илмий ходими Олег Борисович

Лупановга, физика-математика фанлари доктори, шу институтнинг бўлим mudiri Сергей Всеволодович Яблоцкийга — бошқариладиган системалар синтези математика назарияси соҳасидаги ишлар цикли учун.

5. Физика-математика фанлари доктори, А. М. Горький номи Урал давлат университетининг профессори Валентин Константинович Ивановга, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академияси математика институтининг директорининг ўринбосари Андрей Николаевич Тихоновга — поворот массаларга доир ишлар цикли учун.

6. Академик, СССР Фанлар академияси элементоорганик бирикмалар институтининг директори Александр Николаевич Несмеяновга — Элементоорганик бирикмалар соҳасидаги тадқиқотлар цикли учун.

(Давоми иккинчи бетда).



(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
1 МАЙ ЧАКИРИҚЛАРИДАН)


COBFA

Н. ТОИРОВ.
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва ада-
биёт институтининг катта адиби.

ХАМИША КҮЗ ҮНГИМДА

Гураниковича 88 хата (1930)

THE UNIVERSITY OF CHICAGO



(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 4 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН)

